

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
16.07.2013.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУРДИЕВА ОЙДИН ЗАФАРДИНОВНА**

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИҚОЯНАВИСЛИГИНИНГ ҒОЯВИЙ-  
ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАНР ДИНАМИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(филология фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2016 йил**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

Турдиева Ойдин Зафардиновна  
Ҳозирги замон Эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик  
хусусиятлари ва жанр динамикаси.....3

Турдиева Ойдин Зафардиновна  
Идейно-эстетические особенности и динамика жанра современной  
иранской новеллистики.....25

Turdiyeva Oydin Zafardinovna  
Ideological and Aesthetic Features and Dynamics of Modern Iranian  
Short Story Genre.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works.....67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
16.07.2013.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУРДИЕВА ОЙДИН ЗАФАРДИНОВНА**

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИКОЯНАВИСЛИГИНИНГ ҒОЯВИЙ-  
ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАНР ДИНАМИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(филология фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2016 йил**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 28.04.2016/В2016.2.Fil32 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий  
маслаҳатчи**

**Маннанов Абдурахим Муталович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий  
оппонентлар:**

**Иномхўжаев Раҳмонхўжа**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳомидий Ҳомиджон**  
филология фанлари доктори, профессор

**Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Fil.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2016 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2016 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2016 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -рақамли реестр баённомаси) .

**Г.Ҳ.Боқиева**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П.Содиқов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

**А.Куранбеков**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қайси мамлакат ёки минтақа бўлмасин, инсоннинг маънавий оламини кашф этишда қудратли воситалардан бири бу бадиий адабиётдир.

Ўзбекистон Хорижий Шарқ мамлакатлари билан узоқ муштарак тарихга эга бўлиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалар тараққий топиб бормоқда. Юртимизда жаҳон адабиётини, унда кечаётган адабий жараёнларни ўрганишга эътибор кучаймоқда. Зеро «Биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак. Бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур»<sup>1</sup>.

Умумбашариёт тамаддунига буюк сиймоларни тақдим этган форс адабиёти ўзининг бир асрдан кўпроқ янги тарихига эга бўлиб, жаҳон адабий жараёнларида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Ҳозирги замон эрон адабиёти, хусусан ҳикоянавислиги ўз шаклланиши ва тараққиётида турли бадиий босқичлардан ўтиб, бу жараёнларда турли хусусиятлари орқали намоён бўлмоқда.

Бироқ бу борадаги тадқиқотлар асосан XX асрнинг 80-йилларигача бўлган давр эрон ҳикоянавислигига тегишли бўлиб, бу даврдан, яъни XX асрнинг 80-йилларидан кейинги даврда бу жанр кам ўрганилган, монографик планда алоҳида махсус тадқиқ этилмаган, илмий рисолалар яратилмаган.

Бу даврда мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлиб, бу ҳол Эрондаги адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу ўзгаришлар қандай рўй берганлиги, асл моҳияти нималарда намоён бўлганлиги шарқшуносликда ҳанузгача алоҳида тадқиқ этилмаган ва мазкур муҳим босқич эрон адабиётшунослигининг кун тартибида турибди. Ишнинг асосий концепцияси – адабий муҳит кесимида инқилобдан олдинги ва инқилобдан кейинги давр ҳикоянавислигини қиёсий таҳлил этиш, кейинги даврга алоҳида урғу берган ҳолда ғоявий-эстетик тамойилларни ва янгича ёзиш услубларини ўрганиш бўлиб, буларнинг барчаси ушбу диссертациянинг долзарблигини ва заруратини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва

<sup>1</sup>Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т., 2009. 32-б.

ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Замонавий эрон насрчилиги, хусусан ҳикоячилиги билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Columbia University, University of Arizona, University of Washington, University of Chicago, Center for Middle Eastern Studies, Association for the Study of Persian Literature, Center for Iranian Studies (АҚШ), Oxford University (Буюк Британия), Tel Aviv University (Исроил), University of Toronto (Канада), Осиё ва Африка халқлари институти, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ҳозирги замон эрон насрчилигига оид жаҳонда олиб берилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: инқилобдан олдинги адабий дискурс, таниқли ҳозирги замон эрон адибалари ижодининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг асарларида маънавий қадриятларнинг бадиий инъикоси очиб берилган (University of Arizona, АҚШ); мамлакатда ва хорижда яратилган форс тилидаги адабиётда миллий ва умуминсоний қадриятлар қиёсий таҳлили ёритиб берилган (University of Washington, АҚШ); ҳозирги замон эрон бадиий адабиётида мумтоз анъналарнинг замонавий инъикоси, замонавий эрон адабиётидаги асосий модернистик йўналишларнинг шаклланиш жараёнлари ёритиб берилган (University of Texas-Austin, АҚШ); инқилоб ва уруш даври болаларининг тасвири аниқланган (Tel Aviv University, Исроил); уруш, сиёсат, ижтимоий-сиёсий табулар каби мавзулар кўламининг бадиий акс этиши очиб берилган (University of London, Буюк Британия); XX асрнинг 60-80-йилларида форс бадиий адабиётидаги плюрализм (адабий жараёнда чинакам инфорацион босим)дан миллий қадриятларга қайтиш, уларни исломлаштиришга бўлган ҳаракатларнинг кўлами асосланган (Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти); ҳозирги замон эрон бадиий насрининг шаклланиши ва ривожланиши, жанр ва услубий хусусиятлари аниқланган (Санкт-Петербург университети); 60-70 йиллар ҳикоя жанрининг ривожини ёритилган (Москва давлат университети, Россия); ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу жанрнинг шакллари илмий асосланган (دانشگاه تهران. دانشگاه آزاد. Эрон); роман жанри тараққиётининг асосий хусусиятлари, тематикаси, романнавис ёзувчиларнинг ижоди очиб берилган (Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон).

Дунёда ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг хусусиятларига оид қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: замонавий форс психологик ҳикоясининг бадииятини асослаш; алоҳида ҳикоянависларнинг эрон ҳикоячилигига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

---

<sup>2</sup> University of Maryland, University of Michigan, University of Texas-Austin, Syracuse University, American Institute of Iranian Studies, Oriental Institute (АҚШ), University of London (Буюк Британия), Brock University (Канада), Aga Khan University (Покистон) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

ҳикояларда инқилоб ва уруш даври болалари тасвирини аниқлаш; ҳозирги замон эрон ҳикояларида миллий қадриятларнинг бадиий инъикосини асослаш; ҳикоянависликдаги инқилобдан олдинги ва кейинги етакчи қарашлар, ёзувчиларнинг услублари, улар ижодини ташкил қилган адабий йўналишларни илмий асосда далиллаш; эрон ҳикояларининг чет тилларига ўгирилган таржималарини қиёсий таҳлилини очиб бериш; ҳикоянависликнинг динамикасини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳикоя жанрининг шаклланиши, ривожланиши масалалари, таниқли ҳикоянавис адиблар ижоди эронлик адабиётшунос олимлар Муҳаммад Ҳуқуқий, Ҳасан Мир Обидиний, Жамол Мирсодиқий, Ҳамид Абдуллоҳиён, Муҳаммад Қосимзодалар<sup>3</sup> томонидан ўрганилган.

Замонавий эрон насри, жумладан ҳикоячилигининг тез суръатларда ривожланиши хорижлик шарқшуносларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Америка шарқшунос олими Майкл Крейг Ҳилманн XX асрнинг 20-йилларидан 70-йилларигача бўлган форс насри борасида тадқиқот олиб борди, XXI аср тадқиқотчиларидан Комрон Талаттўф, Муҳаммад Меҳди Хўрраамий, Франклин Левис, Муҳаммад Тавакқўли Тарқий, исроиллик шарқшунос Лиора Ҳенделман Баавур, тожикистонлик шарқшунос О.Ходжимурадовлар<sup>4</sup> ҳозирги замон эрон насрини тадқиқ этган олимлардан ҳисобланади. Уларнинг тадқиқотларида ҳикоя жанрига оид баъзи қарашлар ҳам ўз ифодасини топган.

Эрон ҳикоясини ўрганиш ўз вақтида россиялик эроншуносларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Россиялик шарқшунос олимлар Е.Э.Бертельс, К.Чайкин, А.З.Розенфельд, Д.С.Комиссаров, А.Шойтов, Х.Короглы, З.Османова, Я. Рипка ва бошқалар ўз тадқиқотларида ҳикоя жанрининг пайдо бўлишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий омиллар, анъана ва нотиклик, бошқа адабиётларнинг таъсири каби муҳим масалаларда изланишлар олиб бордилар.

Р.Левковская, Л.Г.Шехоян, Л.С.Гиунашвили, В.Б. Кляшторина, Д.Х. Дорри<sup>5</sup> каби бир қатор россиялик шарқшунос олимлар томонидан 60-70-

<sup>3</sup> حسن مير عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. حقوقی محمد، مروی بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران ۱۶، نشر. تهران 1377 (1998) ; جمال مير صادقی. ادبیات داستانی. قصه. رمانس. داستان کوتاه. رمان. تهران. 1376 (1997) ; جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی تهران (2004) محمد قاسمزاده. داستان نویسان معاصر ایران. تهران. 2004; دکتر حمید عبد اللاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000.

<sup>4</sup> Michael Hillmann. Women's Autobiographies in Contemporary Iran. Printed in the USA. 1990; Kamran Talattof. Persian language, literature and culture : new leaves, fresh looks. Abingdon, Oxon ; New York : Routledge, 2015; Mohammad Mehdi Khorrami. Literary Subterfuge and Contemporary Persian Fiction: Who Writes Iran? London: Routledge, 2014; Franklin Lewis. In a Voice of Their Own: A Collection of Stories by Iranian Women written since the Revolution of 1979, Printed in the USA, Costa Mesa, CA: Mazda Publishers, 1996; Mohamad Tavakoli-Targhi. The Homeless Texts of Persianate Modernity, in Iran--Between Tradition and Modernity. Lexington Books, 2004; Liora Hendelman-Baavur. The Gender of Modernity: The Women's Press and Representations of Women in Iranian Popular Culture between the *White Revolution* and the *Islamic Revolution* (1963-1979). Tel Aviv, 2004; Ходжимурадов О. Х. Поэтика современной персидской психологической прозы: 30-70-е годы XX века. Душанбе, 2008.

<sup>5</sup> Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. – Л., 1928; Предисловие к сб.: Рассказы персидских писателей. – М., 1955; Чайкин К. Краткий очерк новейшей персидской литературы. – М., 1928; Розенфельд А. О художественной прозе в персидской литературы XX века//Вестник ЛГУ.-1949.-№5. её же Новелла - ведущий жанр современной персидской прозы. // В ту ночь, когда шёл снег. – М.,1964; её же. «Новые люди» в современной персидской прозе// Уч.зап.; Ленингр. госун.-№374. Серия вост. наук. – Вып. № 17;

йиллар эрон насри тараққиёти бир неча бор таҳлилга тортилди. Бу ишларда ҳам эрон ҳикоячилигига оид айрим мулоҳазалар ўз ўрнини топган. Бу тадқиқотлар ичида Ж.Х.Дорининг «Ҳозирги замон форс бадий насрининг шаклланиши ва ривожланиши, жанр ва услубий хусусиятлари» номли тадқиқот иши алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ Ж.Дорри бу ишида ҳикоя жанри ҳақида баъзи маълумотлар бериш билан бир қаторда ўз эътиборини асосан форс романчилиги таҳлиliga қаратган.

Ўзбек шарқшунослигида замонавий эрон насрини ўрганиш бўйича дастлабки тадқиқотлардан бири М.Яукачевага тегишли. Олима асосан форс романчилигида аёллар мавзусига эътибор қаратди. Ж.Э.Ҳазраткуловнинг тадқиқот иши эса Ғуломхусайн Соъдийнинг бадий насрини, жумладан баъзи ҳикояларини таҳлил қилишга бағишланган.

Мустақиллик йилларида ўзбек шарқшунослигида форс романчилигига оид монографик тадқиқот иши ҳамда қатор мақолалар С.Р.Сотиболдиевага<sup>6</sup> тегишли бўлиб, олима ўз тадқиқотларида Эронда инқилобдан кейинги давр адабий жараёнлари, роман жанри тараққиётининг асосий хусусиятлари, тематикаси, романнавис ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини очиб берган.

Ушбу диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида номлари зикр этилган шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари эътиборга олинди ва уларга муносабат билдирилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуи «Шарқ мамлакатлари адабиёти, адабиётшунослигининг долзарб муаммолари», «Шарқ мамлакатлари адабиётида жанр ва услуб масалаларини ўрганиш», «Шарқ мамлакатлари адабиётида замонавий адабий оқим ва

---

Комиссаров Д.С. Очерки современной персидской прозы. – М.,1960; О некоторых особенностях развития основных жанров современной персидской литературы (доклады делегации СССР на XXV Международном конгрессе востоковедов). – М., 1960.; его же: Персидская литература. Краткий очерк. Издательство восточной литературы. – М.1963. его же: Пути развития новой и новейшей персидской литературы.– М.1982; Шойгов А. Современный персидский юмор//Забавные рассказы. – М.,1958; Короглы Х. Краткий обзор современной персидской прозы. – М.,1958; Османова З. Предисл. к сб. «Плод несчастья» (Современная персидская новелла). – М., 1960; Рипка Я. История персидской и таджикской литературы. – М., 1970; Левковская Р. Литература Востока в новейшее время. Литература Ирана. М., 1977. За нарядным фасадом // Современная иранская новелла 60-70-е годы. – М.,1980; Шехоян Л.Г. Становление жанра новеллы в современной персидской литературе (1920-1950гг.): Автореф.дис. канд. – М., 1967; Гиунашвили Л.С. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. – Тб.,1985; Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – М., 1990; Дорри Д.Х. Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, ее жанровые и стилистические особенности. СПб., 2000. Старейшина иранских писателей (о творчестве С.М.Джамаль-заде) // Иран (сб. ст.). – М., 1971; Сатира Садека Чубака // Народы Азии и Африки.-1975.-№5; Хосроу Шахани – сатирик и юморист. // Иран. Экономика. История. Историография. Литература (Сб. статей). – М.,1976; Основные тенденции развития иранской реалистической прозы (вторая половина 60-х – 70-е годы) // Литература стран зарубежного Востока 70-х годов.-М.,1982; Проза середины 60-х – 70-х годов. В книге: История персидской литературы XIX-XX веков. М.: «Восточная литература» РАН, 1999. Стр.417-420; Персидская литература XX века. – М.: «Муравей», 2005.

<sup>6</sup> Яукачева М. Тема освобождения женщины в современной персидской художественной прозе. Т. 1960; Женщина в персидской прозе. – Т., 1964; Хазраткулов Д.Э. Художественная проза Голамхосейна Саэди. Автореф. дис. ... канд. килол. наук. – М., 1977; Сотиболдиева С.Р. XX аср Эрон насри. – Т., 2006.; Замонавий Эрон романчилиги. – Т., 2015.; Эрон романининг ўрганилиши // Сино, 2006, Ёз, 22-сон, 42-45-с.; Ислом инқилобидан кейин Эрон романлари тематикаси ҳақида // ФДУ Хабарлар, 3-2008, 55-58-с. ва бошқалар.



йўналишларнинг шаклланиши ва миллий тус олиш жараёнлари масаласи» ҳамда «Шарқ мамлакатлари адабиётининг бугунги кун долзарб муаммолари ва уларнинг адабий жараёнларда тутган ўрни» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги замон эрон ҳикоячилигининг ривожланиш динамикаси ва ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳозирги замон эрон адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ёритиб бериш;

XX асрнинг биринчи ярмида ҳикоянависликнинг ўзига хос жиҳатларини ва асосий ижодкорларни кўрсатиб ўтиш;

XX асрнинг 60-70-йиллари ҳикоянавислигини 1979 йил инқилобдан кейинги янги сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеликдаги ҳикоянавислик билан қиёслаш, жанр трансформацияси сабабларини кўрсатиш;

ҳозирги замон ҳикоянавислигида мавзулар кўламини аниқлаш, ундаги анъанавийлик ва новаторлик жиҳатларини ажратиш;

ҳозирги замон ёзувчилари ҳикояларида турли йўналишлар ва оқимларга ёндашишни кузатиш, ёзувчиларнинг воқеликни бадиий идрок этиш тамойилларини тадқиқ этиш;

замонавий адиблар ҳикояларининг бадиияти, бадиий тасвир ва ифода усулларини ёритиб бериш;

эрон адабиётида ҳикоянавис аёллар ижодининг ўсишини кўрсатиш ва уларнинг жанр ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

XXI аср арафаси ва бошида болалар мавзусидаги ҳикояларнинг ғоя ва образларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирги кунда ижод қилаётган адибларнинг ҳикоялари<sup>7</sup> ҳамда матбуот ва интернет материаллари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Эронда ҳикоя жанрининг генезиси ва ривожини, асосий босқичларида жанр динамикаси, XXI аср арафаси ва боши ҳикоянавислигида асосий йўналиш ва оқимлар, жанр трансформацияси ва турланиши, етук намояндалари ижоди, муҳожирликдаги ҳикоянавислик каби масалаларни ўрганиш тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида адабий ҳодисаларга тарихий-функционал ёндашув, қиёсий-типологик ва комплекс тарзда таҳлил қилиш усуллари белгиланди. Бу анъанавий методлар билан бирга XXI асрда яратилган баъзи ҳикояларни талқин ва таҳлилида матн моҳиятини

<sup>7</sup> Диссертация тадқиқотида мавзуга оид фаолият кўрсатаётган 30 та етук адиб ва ижодкорларнинг икки юзта ҳикоялари тадқиқ қилинди. Жумладан, Амузода Халилийнинг «سفر چشمه کوچک» (Техрон 2008), Важиҳе Сомонийнинг «ترا من چشم در راهم» (Техрон 2008), Фируз Занузи Жалолийнинг «ساعت لعنتی» (Техрон 2007), Зўйё Пирзоднинг «سه کتاب» (Техрон 2006), Розия Тужжорнинг «هم سیب هم ستاره» (Техрон 2007), Муҳаммадризо Байрамийнинг «پاییز صحرا» (Техрон 2008), шунингдек йигирмадан ортиқ шу давр адибларининг юзлаб сара ҳикояларини ўз ичига олган «داستان نویسان معاصر ایران» (Техрон 2004), «مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندگان ایران» (Тошкент 2008) тўпламлари, икки жилддан иборат «Современная иранская проза. Антология иранского рассказа» (Санкт-Петербург 2010) антологияси ва бошқаларлар.

тушунишга асосланган герменевтика, яъни замонавий методология принципларига таянилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳозирги замон эрон адабиётида ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиши асосланган;

ижодий таъсир, анъана ва новаторлик, ҳикояларнинг олдинги босқичларда ёзилган ҳикоялар анъаналарига ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари исботланган;

эрон ҳикоянавислигида воқеликни тасвир этишнинг XX асрда энг муҳим ва долзарб ҳисобланган реалистик ва модернистик йўналишлардаги бадиий методларининг алоҳида ёзувчилар ижодида акс этиши далилланган;

эрон замонавий ҳикоясининг XXI аср бошида бадиий-эстетик жиҳатдан турланиши ва қисқа ҳикоя (داستان کوتاه یا داستانک) жанрининг хусусиятлари асосланган;

эрон болалар адабиётининг юксалишида ҳикоянависликнинг ўрни ва болалар мавзусида ёзилган ҳикояларнинг тарбиявий-маърифий моҳияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

эрон адабиёти тарихининг XX аср сўнгги чораги ва XXI аср боши ҳикоянавислигига оид маълумотлар аниқланган;

ўрганилаётган давр ҳикоянавислигининг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар, мавзулар кўлами, сюжет ва композицион қурилиши ишлаб чиқилган;

давр ёзувчиларининг бадиий маҳоратига тааллуқли масалалар исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини оригинал форс манбалари ҳамда диссертация муаллифи томонидан қилинган таржималар асосида эришилган натижалар тасдиқлайди. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Эронда ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиш омиллари, ҳозирги замон эрон ҳикоячилигида мавзулар кўлами ва уларнинг ғоявий-эстетик моҳияти, ҳикоячиликда аёл ижоди ва аёл образи тасвири, ҳикоянависликдаги мазмуний-шаклий ўзгаришлар, модернистик унсурлар, шунингдек, болалар мавзусидаги ҳикояларнинг ғоя ва образларини белгилашда қимматли далилларни бериши билан изоҳланади.

Диссертация материаллари ва натижаларидан, жумладан, тадқиқотдаги форс адабиётида ҳикоя жанрининг генезиси ва даврий босқичлари, XX аср охири ва XXI аср бошида замонавий эрон ҳикоячилигининг ривожини тўғрисидаги таҳлиллардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўқитиладиган фанларда манба сифатида қўллаш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотда жамланган далиллардан шарқ адабиёти тарихини ёзишда, шарқ халқлари адабиёти ва жанрлари типологияси, адабий

алоқалар бўйича ёзилажак монография, дарслик, ўқув қўлланмаларда материал бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик хусусиятлари ва жанр динамикасига оид олинган натижалар асосида (ФТК нинг 2016 йил 2-июндаги 03-13/346-сон маълумотномаси):

форс ва ўзбек ҳикоянавислигининг муштарак жиҳатларига оид илмий-назарий қарашларидан ФА–Ф1–Г040 «Ўзбек адабиёти киёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. Таклиф қилинган қарашлар адабий таъсир ва киёсий-типологик таҳлил ривожига хизмат қилган;

эрон адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривож, анъана ва новаторлик, ижодий таъсир масалалари билан боғлиқ назарий хулосалар Ф–1–139 «Шарқ мамлакатлари адабиёти ва жанрлар типологияси» мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида эрон ҳикоясининг вужудга келиш ва таракқиёт омилларини асослашда фойдаланилган. Хулосаларнинг жорий этилиши шарқ малакатлари адабиётини янги материаллар билан бойитган;

давр ёзувчиларининг бадиий маҳоратига тааллуқли мулоҳазалари А-1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзуидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. Мазкур мулоҳазалар ҳозирги замон ўзбек ва форс ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар, мавзулар кўлами, сюжет ва композицион қурилишини асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Шарқ мамлакатлари адабиёти: ривожланиш тамойиллари, жанр ва услуб масалалари» (Тошкент, 2012); «Шарқ аёли: кеча ва бугун» (Тошкент, 2013); «Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси» (Тошкент, 2013); «Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги X конференцияси» (Тошкент, 2013); «XXVII Международная научная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки, Локальное наследие и глобальная перспектива» (Санкт-Петербург, 2013); «Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XI-конференцияси тезислари» (Тошкент, 2014); «Ўзбекистон ва шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон» (Тошкент, 2014); «Ўзбек ва шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари» (Тошкент, 2014); «Бадиий таржима ва адабий алоқалар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари» (Самарқанд, 2014); «Actual problems of theory and practice of philological researches. Materials of the IV international scientific conference» (Прага, 2014); «Конституция Республики Узбекистан – образование и воспитание молодежи. Материалы III традиционной научно-практической конференции» (Тошкент, 2014); «Азия и Африка в меняющемся мире, XXVIII Международная научная конференция по источниковедению и

историографии стран Азии и Африки» (Санкт-Петербург, 2015); «Шарқ халқлари адабиёти жанрлар типологияси» (Тошкент, 2015) мавзулардаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, шулардан 3 таси хорижий журналларда ва 13 та тезис, шулардан 3 таси хорижий тўпламларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 233 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Форс адабиётида ҳикоя жанрининг генезиси ва даврий босқичлари**» («*پیدايش و مراحل دوره ای ژانر داستان کوتاه در ادبیات فارسی*») деб номланган биринчи бобида Эронда ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиш омиллари, XX аср биринчи ярмида форс реалистик ҳикоячилигининг хусусиятлари, XX аср 50–70 йиллари эрон ҳикоянавислари ижодида жанр динамикаси очиб берилган. Мазкур масалани асослашда минг йиллар мобайнида яратилган насрий жанрлар, халқ оғзаки ижоди ҳикоянависликнинг вужудга келишида муҳим омил бўлгани таъкидланган. Бу қарашларга ўз фикрини билдирган Жаҳонгир Дорри «Эронда қадимдан қисқа ҳикоя жанри мавжуд бўлган: ўрта асрлар новеллалари, қаҳрамонлик, тарихий ва ижтимоий характердаги турли ҳикоятлар ва латифалар»,<sup>8</sup> – деб ёзган. Шу билан бирга форс адабиётида замонавий ҳикоя жанрининг шаклланишида қадимги ва мумтоз форс адабий мероси билан бир қаторда, Европа ҳамда рус адабиётидан бўлган таъсир алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамид Абдуллоҳиён<sup>9</sup>, Ғуломризо Муродий Савмаъсаройи<sup>10</sup>, Муҳаммад Ҳуқуқий<sup>11</sup>, Жамол Мирсодиқий<sup>12</sup>, Муҳаммад Қосимзода<sup>13</sup> каби эронлик олимлар бу масалага алоҳида тўхталганлар.

1922 йилда Муҳаммад Али Жамолзода ўзининг «Бор эканда, йўқ экан» («*یکی بود و یکی نبود*») тўпламини эълон қилиши билан форс адабиётида муҳим адабий воқеа рўй берганлигидан далолат берди ҳамда унинг номи замонавий адабиётининг асосчиларидан бири бўлиб тарихда қолди. Айнан шу тўпламининг янги форс насрининг илк асари сифатида янги реалистик мактабнинг бошланишини эканлигини эътироф этиб рус шарқшуноси К.И.Чайкин «Бор эканда, йўқ экан» тўплами ҳақида шундай деган эди: «... ва ниҳоят форс адабиёти ... реал воқелик билан юзма-юз келишга қарор қилди»<sup>14</sup>.

Мазкур бобда ҳикоянинг шаклланишига асос бўлган публицистик турдаги қисқа насрий асарлар (эпистоляр адабиёт, эссе, фельетонлар, ўтқир

<sup>8</sup> Дорри Джехангир. Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, ее жанровые и стилистические особенности. С. 12.

<sup>9</sup> دکتر حمید عبد اللاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000.

<sup>10</sup> Ғуломризо Муродий Савмаъсаройи “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”//Сино 2011 й 41-42-сонлар.

<sup>11</sup> محمد حقوقی، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377 (1998).

<sup>12</sup> جمال میر صادقی. ادبیات داستانی. قصه. رمانس. داستان کوتاه. رمان. تهران. 1376.

<sup>13</sup> محمد قاسم زاده. داستان نویسان معاصر ایران. تهران. 2004.

<sup>14</sup> Чайкин К. Краткий очерк новейшей персидской литературы. – М., 1928. –С.144-145.

очерклар, памфлетлар)нинг аҳамияти, бу йўлда Али Акбар Деххудонинг кўрсатган хизматларига алоҳида урғу берилган. Эронлик адабиётшунос, танқидчи Ризо Бароҳаний Али Акбар Деххудонинг ижодини янги жанрнинг яралишидаги ўрнини алоҳида таъкидлаб шундай ёзган эди: «Деххудо гарчи ўзи ҳеч қачон ҳикоя ёзмаган бўлсада, ўз ижоди билан ҳикоя жанрининг яралишида катта ҳисса қўшди. Деххудо насри – публицистикани новеллистика билан бирлаштириб турувчи кўприк»<sup>15</sup>.

Диссертацияда ҳикоянависликнинг олдин маърифий тус олиб, сўнг унда танқидий реализм услуби чегарасида ижод қилиш бошланиши масаласи тадқиқ этилган. Маърифатчилик реализми ижтимоий нотенгликка қарши чиқиб, танқидий реализмга асос тайёрлади. Маърифатчилик реализмининг кейинги давр реалистик йўналиш ривожиди, айниқса реалистик эрон ҳикояларининг вужудга келиши ва ривожланишида аҳамияти беқиёсдир. Маърифатпарвар адиблар адабиётга паст услуб деб қаралган оддий халқ тили унсурларини олиб кирдилар.

Тадқиқотда XX аср 20–30-йиллари бадиий насрнинг қаттиқ давлат назорати остида бўлиб, ҳикоянавислик бирмунча сустроқ ривожлангани ҳамда бир оз тушкунлик, ҳаёт машаққатларига бўйсуниб кайфияти устунлиги билан сифатланади.

XX асрнинг 30–40 йилларига келиб эса форс адабиётида катта ўзгаришлар кузатила бошланди, истеъдодли ёзувчилар авлоди вужудга келди. Улар орасида Бўзўрг Алавий, Жалол Оле-Аҳмад, Муҳаммад Масъуд Дехотий, Муҳаммад Ҳижозий, Содик Чубак, Беҳозин ва Содик Ҳидоят каби забардаст ёзувчилар бор эди. 50-йилларга келиб ҳикоя бадиий насрнинг энг етакчи шаклига айланганлигини ва воқеликнинг барча жиҳатлари – ҳаётни хилма-хил, турли-туман томонлари билан тасвир этишга қодир бўлганлиги билан характерланиши таҳлил қилинган. Ҳикоя жанри замонавий форс адабиётда ўз ўрнини топди, тез суръатлар билан ривожланиб борди, эътиборга тушди, хилма-хиллашди ва тубдан ўзгарди. Бадиият ва мазмуний новаторлик нуктаи назаридан адиблар ижодида долзарб муаммоларни тасвир қилувчи ҳозиржавоб жанр сифатида намоён бўлганлиги таҳлиллар орқали очиқ берилган.

Мазкур бобда Ғарб ва рус адабиёти классиклари – Вольтер, Гёте, М.Горький, Л.Толстой, А.Чехов, Ф.Достоевский, Арагон, Р.Роллан, А.Камю, Ж.Сартр, Э.Хемингуэй, У.Фолкнер ижодининг эрон адабий жараёнларига ҳамда эрон адиблари тафаккури ва ижодига кўрсатган таъсири, жумладан бадиий дидининг шаклланишидаги таъсири масаласи ҳам очиқ берилган.

Тадқиқотда 70-йилларда ҳикоячилик жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган информацион босим, ғарблаштириш, ғарб маданияти ва санъатига йўналтирилган оммавий маданиятнинг бирёқламалигини ёритиб берди. Ҳукумат томонидан уюштирилган «оқ инқилоб» номини олган сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаракат адиблар томонидан ғарбнинг таъсири деб талқин этилди ва у миллий маданий мерос ва қадриятларнинг йўқолиб

<sup>15</sup> رضا براهنی. قصه نویسی. تهران 1969 ص 517

боришига олиб келиши манбалардаги фикр-мулоҳазалар асосида аниқланган. Анъанавий ислом дини тасаввурлари билан мамлакат капиталистик шаклларининг тўқнашуви маънавий тартибсизликни келтириб чиқарди. Шу сабаб шоҳ ўзининг 60-йилларнинг бошларида ўтказган «оқ инқилоб»ида бир-бирини инкор қиладиган ва қарама-қарши қонунларни умумлаштиришга бўлган ҳаракати муваффақиятсизликка учради. «Оқ инқилоб» нинг дастури юқоридан туриб эрон жамиятини замонавий технологиялар даражасига ўтиш даврини юмшатиш, жамиятнинг барча қатламларини бир томондан тарихий мерос ва анъаналар умумийлиги ғояси билан бирлаштириш ҳамда иккинчи томондан ғарб таъсирида шаклланган «оммавий маданият» хусусиятларини бирлаштириб тарғиб-ташвиқ этишдан иборат эди. Бироқ бу инқилоб дастури ўзига юклатилган вазифани бажара олмади ва жамиятда мавжуд қарама-қаршиликларни ошкор этиб инқилобий портлаш рўй берди. Кўпгина етакчи эрон адиблари (жумладан, Жалол Оле-Аҳмад, Ж.Мирсодиқий, Ф.Тўнўкебўний, Н.Иброҳимий ва бошқалар) ўз асарларида Ғарбнинг Эронга рухий-маънавий тажовузидан огоҳлантирди ва мустамлака сиёсатини нафақат иқтисод, балки маданият соҳасига зиён, ҳатто ҳалокат олиб келувчи таъсир деб билди. Улар томонидан умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда мерос кадриятларни тарғиб этиш даъватлари кучайди. Бундай асарларнинг ёрқин намунаси Жалол Оле-Аҳмаднинг «Ғарбпарастлик» («غریز دگی») Техрон, 1962 й.) асари бўлиб, унинг эрон халқининг менталитетига ёт бўлган ғарб оммавий маданиятини кириб келишига қарши чиқиши, халқнинг маънавий-маданий анъаналарга эътибори кучайишида, маданий мерос кадриятларга қайтишдаги аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг «**XX аср охириги чорагида эрон ҳикоянавислигининг ривож**и» («تکامل داستان نویسی ایران در ربع آخر قرن بیستم») номли иккинчи бобида замонавий форс адабиётида бадиий тафаккур ўзгариши ва унинг асосий тамойиллари, ҳозирги замон ҳикоячилигида мавзулар кўлами ва уларнинг ғоявий-эстетик моҳияти, ҳикоячиликда аёл ижоди ва аёл образи тасвири тадқиқ этилган.

1979 йилги ислом инқилобидан кейин Эрон ижтимоий, маданий ҳаётида, жумладан адабиётида ҳам исломлаштириш ҳаракати рўй берди. Бадиий асарлар қаттиқ назорат остида бўлиб, яратилаётган асарларда исломий рух ва кадриятлар тарғиб этилди. Бу вазиятда адиблар воқеликка ўз муносабатини ифодалаш учун қадимги мерос кадриятларга қайтиш ва анъанавий шакллар қолипида ижод қилишни афзал кўрдилар. Бундан ташқари ёзувчилар мажоз, тағмаъно усулларига мурожаат қилдилар.

Ҳикоядаги бу янги хусусиятлар эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш ҳақидаги фикрга янгича жавоб бериб, уни янгича талқин қилиниши, айрим адиблар томонидан долзарб мавзулар ва ғояларни етказишда анъанавий сюжет ва халққа яқин бўлиб кетган образлардан фойдаланиши (Амузода Халилийнинг «Булоқчанинг сафари» («سفر چشمه کوچک») ҳикоясидаги булоқча ва кўлмак сувлар ўртасидаги кураш, «Мусофир» («مسافر») ҳикоясидаги қушларнинг ва дарахтнинг одам тилида гапириши, «Сулаймон шаҳрига сафар» («سفر به شهر سلیمان») ҳикоясида учар гилам образи,

қушларнинг гапириши, қизчанинг учар гиламда осмонга кўтарилиши), қадимдан сақланиб қолган мунозара жанрининг ўзига хос тарзда шаклини ўзгартириб, замонавий диалог билан қориштириб фойдаланиши (Захро Завориённинг «У самовий эди» («او سماوی بود»), Мустафо Херомоннинг «Туғилган кун» («روز تولد») ва ҳ.к.ларда намоён бўлди.

Тадқиқотда замонавий ҳикояларда мумтоз адабиётдан ҳаётий воқеликни рамзлар орқали ифодалаш анъанасининг таъсири, адиблар ижодида пандномалар анъаналарини, афсона ва эртак анъанасини қўллаш ҳаракатлари кўрсатиб ўтилган. Бундай хусусиятларни А. Халилийнинг «Сулаймон шаҳрига сафар» ҳикоясидан олинган парчадан мисол келтириш мумкин:

قالیچه پرندہ ہا آرام آرام از بالای کارگاہ قالیبافی حشمت خان گذشت. از بالای ہمہ بامہای آبادی گذشت. بہ بالای خانہ ننہ حلیمہ رسید...کم کم بہ ابرہا رسیدند. دخترک فکر کرد از پنبہ ابرہا برای خود ش بالش سفیدی درست خواہد کرد و بہ ستارہ ہا کہ رسیدند چہار ستارہ پر نور آسمانرا خواہد چید و آنہا را در چہار گوشہ قالیچہ اش خواہد آویخت. این ستارہ ہا می توانند چراغہای قالیچہاش باشند...<sup>16</sup>

*«Қушларнинг гиламчаси аста-секин Ҳешиятхоннинг устахонаси устидан, қишлоқнинг барча томлари устидан учиб ўтди ва Ҳалима холанинг уйи устига етди...Бора-бора булутларга етдилар. Қизча ўйладики, момиқ булутлардан ўзига оппоқ ёстиқ ясайди, юлдузларга етиб борганда эса осмондаги нурли юлдузлардан тўрттасини териб олади ва уларни гиламчасининг тўрт томонига осиб қўяди. Бу юлдузлар гиламчасининг чироқлари бўла оладилар...»*

Мазкур бобда шоҳ ҳукмронлигига барҳам берилиб, янги ижтимоий-сиёсий, маданий муҳитда адабиёт секин-аста ўзидан олдинги давр билан яққол фарқланадиган хусусиятлар касб эта бориши, шунингдек адабиётда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқ янги мавзуларнинг кўтарилиши тадқиқ этилган. Бундай янги мавзулардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

шоҳ ҳукуматининг қулашига бағишланган ва инқилоб содир бўлиши мавзуси; шоҳ давридаги ижтимоий ҳаётни кескин танқидга олиш мавзуси; эронда яшовчи кўчманчи халқлар ҳаёти мавзуси; Эрон-Ироқ уруши ва ватанпарварлик мавзуси. Уруш мавзуси икки йўналишда ривожланди: а) унда кўрсатилган қаҳрамонлик, уруш тафсилотлари; б) уруш оқибатларининг эронликлар ҳаётига таъсири мавзуси.

Инқилобдан кейин ёзилган ижтимоий ҳикояларни аксариятини таҳлил қилиш асносида, уларнинг мавзуси асосан шоҳ режимининг қабоҳатларини фош қилишга қаратилган мавзулар эканлиги аниқланган. Муҳаммад Ризо Саршорнинг «Хайр, биродар!» («خدا حافظ برادر!»), Маниже Жонқулининг «Қабутар уяси» («لانه کبوتر»), Муҳаммадризо Байрамийнинг «Милтиқ» («تفنگ»), «Сахро кузи» («پاییز صحرا») каби ҳикояларда шоҳ ҳукуматининг қулаши, инқилоб, шоҳ давридаги халқнинг оғир ижтимоий ҳаёти каби мавзуларда яратилган ҳикоялардандир. Лекин 80-йилларда ёзувчилар исломий воқеликни ижтимоий танқид қилишдан бош тортдилар. Чунки адабиёт қаттиқ назорат остида бўлди.

<sup>16</sup> سفر چشمه کوچک. فریدون عموزاده خلیلی. تهران ص 147



Инқилоби ғалабасидан кўп ўтмай Эрон-Ироқ уруши бошланиб кетди. Адабиётни шиддат билан ўз таъсирига олган ва ўзгартириб юборган бу ҳодиса «муқаддас ватан ҳимояси адабиёти» («ادبیات داستانی دفاع مقدس»)нинг пайдо бўлишига олиб келди ва уруш якунлангунига қадар ҳамда ундан кейинги йилларда адабиётдан алоҳида жой эгаллади. Бу даврда энг етакчи мавзулардан яна бири ватанпарварлик мавзусидир. Д.Дорри уруш пайтидаги яратилган асарларни «Буюртма бўйича» ёзилган асарлар деб атайди. Урушда кўрсатилган қаҳрамонликлар, фидойиликар, урушда ҳалок бўлиб шаҳидга айланиш тараннум этилди, тарғиб қилинди. Бунда ҳикоялар бир-бирига ўхшаш, юзаки сюжетларга эга бўлиб, уларнинг асосий мақсади Эроннинг ҳақли уруш олиб бораётганини исботлаш эди. Аммо 90-йиллардан кейин бу мавзуда ўзгариш пайдо бўлиб, унда нафақат қаҳрамонликлар, балки урушнинг оғир оқибатлари ва мусибатлари тасвирлана бошлади.

90-йиллар эрон ҳикоянавислари учун янги бўлган мавзу бу Эронда яшовчи кўчманчи қавмлар тақдиридир. Фаридун Амузода Халилийнинг «Икки дона пишмаган хурмо» («دو خرماى نارس») ва «Гувоҳномасизлар» («بی شناسنا مه ها») ҳикоялари Эроннинг Сейистон ва Балужистон вилоятида яшайдиган кўчманчи халқнинг ҳаётига бағишланган бўлиб, мавзуси ва мазмуни жиҳатидан алоҳида эътиборга молик. А.Халилий балужларнинг оғир ижтимоий аҳволдан келиб чиқиб иккала ҳикояда балужлар ҳаётини кўрсатишда ижтимоий масалани кескин, ҳатто қалтис қўйган ва эрон жамиятининг диққатини уларни ҳуқуқсиз, жаҳолат оламида ҳаёт кечиришларига жалб қилган. Унинг «Икки дона пишмаган хурмо» ҳикоясида «бола савдоси» мавзуси кўтарилган. Болани бир буюмдек дуч келган, кўп пул тўлаган кишиларга қулликка сотиш – бундай муаммони кўтариш Эрондек мамлакатда муайян журъат талаб қилади. Бозорга сотиш учун олиб чиқилган болани харидорлар худди бир буюмдек текширишади – тишини, баданини, сочини. Харидорлар ичида ҳатто европалик ажнабийлар ҳам бор эди. Биринчи келган харидар боланинг жағини ушлаб, бошини юқорига кўтаради:

– دهانت را باز کن! ... آه... آه... این که همه اش کرم خورده است!؟ این باب دندانم نیست. می خواهم برم پسته خندان کند. این دندانها که من دیدم قوتش را ندارد. دو روزه می پکد می ریزد تو دهانش. – کو؟ فقط یک دانه اش سیاه شده ارباب! بقیه اش سالم است. سی و یکی اش سالم سالم است. – چند سالش است؟ – سیزده سال. اگر نه دوازده را حتماً دارد. – سواد هم دارد؟ – نخیر واجه! – چه قدر می دهی آخرش؟ – پسر خودم است. مادرش با نداری بزرگش کرده. من میدانم چه به خوردش دادم و چه به خوردش ندادم. چهار ستون بدنش سالم است. انصاف و مروت خودتان واجه...<sup>17</sup>

*«Оғзингни оч!...Эҳ-ҳе! Тишларининг ҳаммасини қурт еб кетган-ку?! Бунинг менга ярамайди. Хандон тиста қиладиган ишчи керак менга. Мен кўрган бу тишларнинг бунга кучи етмайди, икки кунда оғзидан тўкилиб тушади.*

<sup>17</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمه کوچک. تهران 2008 ص 205

– Қани қурт егани? Фақатгина биттаси қорайган, хожа ҳазратлари. Қолганлари соғлом. Ўттиз икки тишидан ўттиз биттаси сонпа-соғ.

– Ёши нечада?

– Ўн учда...Ҳеч бўлмаганда ўн иккида...

– Саводи ҳам борми?

– Йўқ, хожа ҳазратлари.

– Бўладиган нархи қанча?

– Ўзимнинг ўғлим. Онаси қашшоқлик ва етишмовчилик билан катта қилди. Егулигига нима топиб беришни билмадим. Тўрт мучаси соғ. Инсоф ўзингиздан, хожа ҳазратлари...»

Ҳикояда адиб воқеаларни ўспирин Сухроб тилидан, муаллиф сифатида аралашмасдан баён этади. Ҳикоянинг баёни текис, катта ҳис-туйғуларга йўл қўйилмаган, аммо бўлаётган воқеалар ўқувчида катта ҳиссиёт уйғотади.

Мазкур бобда XX асрнинг 80-йилларидан кейин ижод эта бошлаган Маниже Жонқўли, Самира Аслонпур, Захро Завориён, Важиҳе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужжор каби истеъдодли адибалар ўз асарларида шижоат билан янгича услублар, янгича мазмун ва янги шакллар қўллай бошлаши, ҳар бирининг ўзига хос ижоди, унинг асосини эса аёл образини яратиш ташкил қилиши тадқиқ қилинган. Лекин бу даврда аёл образига ёндашишда ўзгаришларни кузатилди. Энди уларнинг аёл қаҳрамонлари бутунлай эзилган, мазлума, ҳақ-ҳуқуқсиз ёки “сиға” (вақтинчалик никоҳ) никоҳи қурбони бўлган муштипар эрон аёли эмас, балки аксарият ҳолларда саводли, иродали замонавий аёлдир. Албатта унинг муаммолари кўп, бу муаммолар шахсий ҳаёти, оиласи, эри билан боғлиқ. Аммо аёлнинг уларга муносабати характери олдингига нисбатан бошқача тус олди. Адибалар ижодида аёл олами, аёл тақдири, аёл образи турли рангларда жилваланиши, тасвир учун танлаган образлар ва ранглар ёрқинлиги, ўзига хослиги тадқиқ этилган.

Табиийки, замонавий эрон аёлининг мураккаб муаммолари мавжуд, бироқ улар энди ўзгача муносабат касб этиб, шахс эркинлиги тушунчаси билан боғлиқликда талқин қилина бошлади. Олдинги давр қаҳрамон аёлларидан фарқли равишда Розия Тужжор, Важиҳе Али Акбарий Сомоний, Самира Аслонпур, Захро Завориёнларнинг ҳикоялари қаҳрамонлари жамиятда, айниқса, оилада, турмуш ўртоғи билан ўзаро муносабатларда ўзларини мустақил фикрли шахс сифатида кўрсатиб, оилавий ва бошқа муаммоларни эркак билан бир қаторда ҳал қила олишга ҳаракат қиладилар. Аёл оламининг турфа кўринишлари унинг туйғулар оламига кириб бориш, атрофда содир бўлаётган жараёнларни турлича қабул қилиш ва табиат ҳодисалари билан уйғунликда ифодалаш, хилма-хил ранглар ва шакллар тизими орқали тасвирланган.

Диссертациянинг «**XXI аср арафаси ва бошида замонавий эрон ҳикоянавислигининг тамойиллари**» («*گرایشهای داستان نویسی معاصر ایران در آستانه «وآغاز قرن بیست و یکم*») номли учинчи бобида ҳозирги замон эрон ҳикоячилигида янги бадиий-эстетик хусусиятлар ва мазмуний-шаклий ўзгаришлар, модернистик тамойилларнинг пайдо бўлиши, хорижда яратилаётган форс

тилидаги ҳикояларда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг акс этиши масалалари ёритилган.

XX аср Ғарб адабиётида икки магистрал – реализм ва модернизм (80-йилларгача), кейинроқ эса 80-йиллардан кейин, прстмодернизм оқими кузатила бошлади. Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти, жумладан эрон адабиётига эса модернизм нисбатан кечроқ кириб келди. Аммо эрон адабиётида кузатила бошлаган бу жараён замирида Ғарбга шунчаки тақлид қилиш эмас, балки эрон жамиятида модернизмга хос тушкунлик кайфияти, маъюслик руҳи, дунёни тартибсиз олам сифатида қабул қилиш, ёлғизлик ва экзистенциализмга хос бегоналашув ҳисси пайдо бўлиши ётар эди. Ҳақиқатан ҳам бу даврда ҳаёт, шарт-шароит, олам манзараси бутунлай ўзгариб кетди. Эрон адиблари олдида ҳам субъективликнинг кучайиши, ҳаётий тажрибаларни ёзиш XXI аср арафаси ва бошига келиб адабиётнинг яққол намоён бўлиб турувчи жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Аслида бу тамойил форс адабиётида 50-60-йилларда кузатилган бўлиб, илк бор Иброҳим Гулистон ижодида намоён бўла бошлаган эди. Асарларда субъективлик унсурларининг кучайиши ва янги ёзиш технологияси (Масалан онг оқими, ассоциатив фикрлаш, магик реализм, сюрреалистик образ ва манзаралар, фрагментарлик, психоанализ, мистика, интуитив билиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бу тамойил XXI аср арафасига келиб кенг раванқ топди. Мисол учун Розия Тужжорнинг «Сарикларнинг тўкилиши, яшилларнинг ўсиши» («ریزش زردها رویش سبزها»)<sup>18</sup> ҳикоясида психологик ҳолатларга кўп эътибор берилган. Қаҳрамон аёл ўзини доим бир тушда юргандек, ярим уйқуда, ярим-жон аҳволда сезади. Унга ҳамма нарса сарик бўлиб кўринади, зеро сарик ранг касаллик рамзи: сарик гуллар, сарик барглари. Ўз кўзларида касалнинг қиёфасини кўрган аёл, жисмидан жой олган касаллик билан гаплашади, касалликка мурожаат қилади:

خیال می کنی که هستی که این طور آمده ای و در من جا گرفته ای؟ من می توانم همان طور که آن هارا با دادن چند قرص شفا می دهم. خودم را هم.  
خیال میکنی که هستی اینطور آمده ای و سر راهم نشسته ای؟ از دستت خلاص خواهم شد. خواهی دید. خلاص. خلاص.<sup>19</sup>

*«Борман деб ўйлаяпсанми? Ўзингни шундайича келиб мендан жой олган деб бияпсанми? Мен уларни бир неча таблетка бериб даволаганим каби, ўзимни ҳам даволай оламан.*

*Борман деб ўйлаяпсанми? Ўзим шундайича келиб, сенинг йўлингга қўнганман демоқчимисан? Сендан халос бўламан, ҳали кўрасан. Халос бўламан. Халос».*

Реализмнинг замонавий ҳикоячиликда устунлигини эътироф этган ҳолда, тадқиқотда нореалистик йўналишларнинг ҳам айрим ижодкорлар томонидан кенг қўлланиб келаётгани аниқланган. Мазмуний жиҳатдан ижодий эркинлик тасвирланаётган ҳодисаларни асотирлаштиришда (Симин Донешварнинг «Сура» («سوره»)) ҳикояси, А. Халилийнинг «Сулаймон

<sup>18</sup> راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص7  
<sup>19</sup> همان کتاب. ص13

шаҳрига сафар» («سفر به شهر سلیمان»), Хусрав Бобохонийнинг «Сув париси» («پرى آبى») намоён бўлди. Ўз навбатида, реализм ҳам ўзгариб борди. XX аср иккинчи ярмида услубий изланишлар натижасида модернизмга хос ёзиш технологияларидан фойдаланиш, реал ҳодисалар ичида нотабиий вазият яратиш (сеҳрли ёки магик реализм), ёзувчи фикрини устун қўйиш (интеллектуал ёки ақлий реализм) ва ҳ.к.лар хос бўлди. Масалан Розия Тужжорнинг «Хайрли тун» («آرام. شب به خير») ҳикояси магик реализм услубида ёзилган бўлиб, эрининг заррача бўлса-да меҳрига муҳтож аёл ҳақидадир. Эрининг эътиборини ўзига қарата олмаган аёл ниҳоят соябонни олиб ўзини деразадан ташқарига ташлайди. Шамол уни ўзи билан олиб кетади. Бу эпизод Г.Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асари қаҳрамонларидан бири – кекса аёлнинг ҳаёт азобларидан бешиб чойшабга чиқиб осмонга учиб кетганини эслатади.

Сўнгги йилларда шаклий жиҳатдан ҳикоянинг «“Достонак”» («داستانک») ёки «Достонэ кутохэ кутох» («داستان کوتاه کوتاه») <sup>20</sup> атамаси билан номланадиган жуда қисқа шакли оммалашганида кузатилди. Қисқа ҳикояда кенг сюжет бўлмайди. У ҳодисалар ва вазиятларни тасвирлайдиган ҳикоялардан фарқли равишда фақат вазият ва аҳвол ҳақида хабар бериши, кўп ҳолларда ягона вазият ва ёки ягона шахсда марказлашгани ва унинг хусусиятларини таҳлил этишида ўз инъикосини кўрсатди. (Розия Тужжорнинг «Кўтарилиш» («طلوع»), «Синган тасвирлар» («تصوير های شکسته»), Зўйё Пирзоднинг «Бир аёлнинг ҳаёти» («يك زندگى»), «Кўшниллар» («همسايه ها») ҳикоялари).

Модернист ёзувчи сифатида Розия Тужжор ижоди алоҳида таҳлилга тортилган. Адиба кўпроқ қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва ботиний ҳолатларини тасвирлаши, ҳикояларида шоирона услуб турларидан фойдаланишини, ушбу ҳикоялар инсоннинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборат эканлиги, сюрреалистик образлар, сюрреалистик манзараларга бой ҳикоялар («Сарикларнинг тўкилиши, яшилларнинг ўсиши» («هفت قدم رنج» ««ریش زردها رویش سبزها»»), «Апельсинзоргача етти қадам ранж» («پرواز از ارتفاع» ««تا باغ نارنج و ترنج متروک»») сифатида баҳоланган.

Шунингдек тадқиқотда форс адабиётидаги модернистик тамойилларнинг Ғарб модернизмидан фарқи кўрсатилган. Эрон адиблари Ғарб модернизмида талқин этиладиган шахснинг бегоналашуви, ёлғизлиги табиий деган ғоядан бормай, аксинча ўз ҳикояларида шахснинг ёлғизлиги, бегоналашувини тасвирлай туриб, бу нарсани инсон табиатига ёт ҳолат сифатида кўрсатдилар. Фируз Занузи Жалолийнинг «Лаънати соат» («ساعت» ««لعنتى» <sup>21</sup> модернистик ҳикояси мистика, психоанализ, онг оқими каби элементларни ўзида мужассамлаштиргани, Важиҳе Али Акбари Сомонийнинг «Охирги бекат» («ايستگاه آخر») <sup>22</sup> ҳикоясида магик реализм (реал воқеаларга ғайритабиий образнинг киритилиши) унсурларининг намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган. Розия Тужжорнинг «Апельсинзоргача етти қадам

<sup>20</sup> جمال مير صادقى. ادبيات داستانی. قصه. رمانس. داستان کوتاه. رمان. تهران. 1376. ص 274

<sup>21</sup> فیروز زنوزی جلالی. ساعت لعنتی. تهران. 2007. ص 51

<sup>22</sup> ترا من چشم در راهم. وجیهه علی اکبری سامانی. تهران. 1387. ص 89

ранж»<sup>23</sup> «هفت قدم رنج تا باغ نارنج و ترنج») хикояси мажозий, сюрреалистик унсурларга бой:

دریاست که می تابد. ترک میخورد و به هم می آید. دری گشوده میشود از بلورهای آب. و امواجی سبز اورا میبرد تا دور. زن غوطه می خورد. همه تنهایی است و همه وحشت. همه جا آب است و صدای چرخی که می چرخد و می چرخد. هفت کفش و هفت عصای آهنین. هفت دشت پر از سوزن و هفت دشت پر از نمک. دروازه بسته و دروازه باز... راه... آه... که چقدر دراز! سگی که گاه می خورد و اسبی که استخوان.

*«Буралаётган денгиздир. Иккига ажралади ва яна бирлашади. Сув биллурларидан бир эшик очилади ва мовий тўлқинлар уни узоқ-узоқларга олиб кетади. Аёл гарқ бўлади. Ёлғизлик ва даҳшатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳаммаёқ сув. Ҳамда айланаётган ва яна айланаётган гилдиракнинг овози. Етти ковуш, етти темир ҳасса, игнага тўла етти дашт ва тузга тўла етти дашт. Бир дарвоза ёпиқ ва бир дарвоза очиқ... Йўл... Оҳ, бунчалар узун! Сомон кавшаётган ит ва суяк чайнаётган от».*

Сюрреалистик образ, «етти» рақамининг қўлланилиши, фрагментарлик муайян тушкун кайфиятни уйғотади.

Хорижда ҳам замонавий форс адабиётининг ажралмас бир қисми вужудга келди. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Швеция, Канада, Англия ва Голландияда яшаб, ижод этаётган Гули Тараққий, Шаҳрнуш Порсипур, Маҳшид Амиршоҳий, Маҳрнуш Мазорей, Ризо Донешвар, Аббос Маъруфий, Маҳмуд Масъудий, Сосон Қаҳрамон, Ризо Қосемиий, Зўйо Пирзод каби адибларнинг хикоялари миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниб ҳамда ўзлари яшаб турган мамлакат адабиётидан таъсирланган ҳолда форс хикоясининг намуналари сифатида баҳоланган.

Диссертациянинг «**Эрон хикоянавислиги ва болалар адабиёти**» номли («داستان نویسی معاصر ایران و ادبیات کودکان») тўртинчи бобида болалар мавзусидаги адабиётнинг ривожланиш босқичлари, болалар мавзусидаги хикояларнинг ғоя ва образлари каби масалалар тадқиқ этилган. XX асрнинг охириги ўнйиллигида хикоянависликда болалар мавзуси кучайиб кетди. Болалар адабиёти форс адабиётининг ажралмас бир қисми бўлиб, эрон халқи болалар адабиёти топишмоқ, ўйин қўшиқлари, ривоят, афсона, эртак, матал, масал ва дoston сингари аксарият қисми болаларга мўлжаллаб яратилган ва аслида болаларга мўлжалланмаган бўлса-да, кейинчалик болалар адабиётига ўтиб қолган асарларга ажратиш мумкин.

Қадимий насрий ва назмий асарлар, болаларга хитоб тарзида ёзилган турли ахлоқий китоблар борлигига қарамай, форс болалар адабиётининг барқарорлашуви XIX аср 2-ярми – XX аср бошларидаги маърифатпарварлик даврига бориб тақалиши, XX аср 50–60-йиллар форс болалар адабиёти Жамол Мирсодиқий, Тўнўкебўний, Симин Донешвар, Қариб, Парвизий, Бобо Муқаддам, Жалол Оле-Аҳмад ва Иброҳим Гулистон каби адиблар кейинги давр болалар адабиёти учун замин тайёрлагани очиб берилган.

Болалар адабиёти, болалар мавзусидаги хикояларнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар даставвал тарбиявийлик ва

<sup>23</sup>راضیه تجار. هم سيب هم ستاره. ص83

маърифийликда акс этиши Фаридун Амузода Халилийнинг «Булоқчанинг сафари» («سفر چشمه كوچک»), «Қарағайзорлардан нарида» («آن سوی صنوبرها»), «Дадамнинг кирдикорлари» («حقیقه های سینمایی بابایم»), Муҳсин Парвизнинг «Тоғ чўққиси» («قله كوه»), Жаъфар Иброҳимий Насрнинг «Ажойиб қушча» («مرغ حیرت انگیز»), Аҳмад Араблунинг «Христофор Колумб» («خریستافور کالومب») ва «Марко Поло» («مرکو پالا»), Шаҳром Шафиъийнинг «Калтакесак» («سوسمار») каби ҳикояларида тасвирлангани кўрсатиб ўтилган. Бу давр адибларининг болалар мавзусидаги ва болаларга мўлжаллаб ёзилган ҳикояларининг ўзига хос муҳим жиҳатлари ҳамда мавзулар кўламини қуйидаги жиҳатлар билан кўрсатишимиз мумкин: бола ва табиат, оғир болалик, дўстлик, ўқиш, мактаб муаммолари, қишлоқ болалари ва муҳит, катта авлод билан ўзаро муносабатлар. Бундай ҳикояларнинг тили соддалиги, ифодалилиги билан ажралиб туради, айрим ҳикоялар эса самимийда юмор билан йўғрилган.

Болалар ва ўсмирлар мавзусида ҳамда уларга мўлжаллаб ҳикоялар яратган ёзувчилар ўз асарлари билан ёш авлоднинг маънавий камолоти манфаатларига хизмат қиладиган асарлар яратганлиги таъкидланган.

## ХУЛОСА

Ҳозирги замон форс адабиётига оид назарий манбаларни, кун ижтимоий масалаларини янгича мазмунда ифодалаб, турли услубларни қўллаб насрчилик майдонида қалам тебратиб келаётган ёзувчиларнинг ҳикояларини илмий ва бадиий жиҳатлардан тарихий-функционал ва қиёсий-типологик тадқиқи асосида инқилобдан кейинги давр эрон жамияти, инсоннинг ички оламини тасвирлашни ўзида акс эттириб келаётган ҳозирги замон эрон ҳикоячилиги бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Замонавий форс адабиётида янги ҳикоя жанрининг қарор топишида бир томондан эрон халқининг бой адабий мероси – минг йиллар мобайнида яратилган насрий жанрлар, ўрта асрлар адабиёти сюжетлари, образлари, иборалари муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан Европа, Америка ва рус адабиётининг таъсири катта бўлди. XX аср бошида, эрон ҳикоянавислиги ўзига хос жиҳатлари билан маърифий хусусиятларга эга бўлганини кузатамиз. Маърифатпарварлик реализмида пайдо бўлган танқидий-тахлилий унсурлар эса аста-секин ҳикоянависликда танқидий реализм йўналишига ўтганлиги билан характерланади.

2. 50-йилларда жуда кўп учрайдиган мавзулар қуйидагилар бўлди: ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, эзилган эрон аёлининг дарди, оғир қисмати, эрон зиёлилари тақдири, деҳқончилик соҳасидаги оғир аҳвол, оддий хизматчиларнинг ҳаёти, ҳоким табақанинг зўравонлиги, жамият иллатлари каби масалалар бўлиб, ҳикоялар қаҳрамонлари – оғир қисмат эгалари, ҳақ-ҳуқуқсиз, қолоқ халқ вакиллари.

3. 60-70-йиллар Эронда ижтимоий сергакликнинг ва аҳоли миллий тафаккурининг жуда тез суръатда ўсгани билан ҳам характерланади. Бу ҳол ижтимоий фикр, маданият, айниқса бадиий адабиётнинг ривожиди яққол

кўринди. Ўтмишдан қолган маданий меросни тиклаш, миллий манбалар, маънавий, диний кадриятларга бўлган қизиқиш кучайди.

4. Жамиятда шоҳ тизими ўтказган ғарблаштириш ҳаракати даврида ижтимоий фикрнинг ривожига туртки сифатида адабиёт майдонига Жалол Оле-Аҳмаднинг «Ғарбпарастлик» («غریز دگی») асари кириб келди ва эронликлар миллий тафаккурининг ўсишида катта роль ўйнади. Жалол Оле-Аҳмад, Ж.Мирсодиқий, Ф.Тўнўкебўний, Н.Иброҳимий ва бошқалар ўз асарларида бор кучи билан Ғарбнинг Эронга руҳий-маънавий тажовузидан огоҳлантирди ва мустамлака сиёсатини нафақат иқтисодий, балки маданият соҳасига зиён, ҳатто ҳалокат олиб келувчи таъсирини кўрсатиб берди.

5. XX асрнинг 80-йилларига келиб ислом инқилобидан кейин маданият ва адабиётни ҳукмрон диний-мафкуравий таълимот билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш ва одамлар тафаккурида ислом қонунлари ҳукмронлигини мустаҳкамлаш тамойиллари кучайди. Ислом инқилобидан кейин форс адабиётида ислом кадриятларига қайтиш, мерос бўлиб қолган анъаналарни тиклаш, қадимги ва мумтоз сюжетлар, мажозий ва рамзий образар, мунозара, ҳажвиёт, дидактик адабиёт жанрларини ишлатишга тамойил кузатилди.

6. 80-йилларда ҳикоянависликда янги мавзулар: шоҳ ҳукуматининг қулашига бағишланган ва инқилоб содир бўлиши; шоҳ давридаги ижтимоий ҳаётни кескин танқидга олиш; ватанпарварлик мавзуси ҳукм сурди. Бундай ҳикоялар бадий жихатдан юксак савияда бўлмай, ислом дини мафкураси билан йўғрилган асарлар эди. Адабиёт майдонига “инқилоб даври ёзувчилари” номини олган янги адиблар (М.Саршор, М.Парвиз, М.Хиромон, Х.Бобоҳоний, А.Ғуломий, М.Байрамий ва бошқалар) авлоди кириб келди. Эронда яшовчи кўчманчи халқлар ҳаёти мавзуси кўп учрайдиган, янги мавзуларга айланди.

7. 90-йилларда эрон ҳикоянавислигида фалсафий тағмаъноли, ижтимоий сюжетли, аёллар тақдири, оилавий муносабатлар, болалар ва ўсмирлар олами, маиший чизгиларга бағишланган ҳикоялар пайдо бўла бошлади. XX аср охири ва XXI аср боши ёш эрон адибларининг ҳикояларида ўзидан олдинги давр, яъни 80-йиллар адиблари ҳикояларидан фарқли равишда мафкуравий таъсир камроқ кузатилди.

8. Инқилобдан кейин адабиёт майдонига аёл ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келди, аёл ижоди ва аёл образи янгича талқин этила бошлади. 90-йилларда ижод эта бошлаган аёл ёзувчилар доирасига Маниже Жонқўли, Самира Аслонпур, Захро Завориён, Важиҳе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужжор каби истеъдодли адибалар ислом инқилобидан олдин ижодий фаолиятларини бошлаган адибаларнинг анъаналарни давом эттириб, аёл ижодиётини янада бойитдилар. Уларнинг ҳикоялари учун кундалик турмушдаги оддий ҳодиса, бирор одамнинг одатий ҳаёти мавзу бўлиб, мақсади – қаҳрамоннинг қалбига чуқурроқ кириш, кўнгил кечинмаларини теранроқ ифода этиш бўлди.

9. Замонавий форс адабиётида аёл кўнглини тўла англашда, қалби тубига етиб боришда, унинг барча сир-асрорларини кашф этишда таниқли адиба Розия Тужжор ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг ҳикояларида аёл

образига янгича талқин кузатилади, яъни унинг ҳикояларида анънавий мазлума шарқ аёли эмас, балки зиёли, ўз овози ва эркига эга аёл образи тасвирланди. Р.Тужжор ҳикояларида шоирона услубни қўллайди. Унинг ҳикояларига хос хусусиятлардан бири махзунлик кайфиятининг устунлигидир. Р. Тужжорнинг ҳикоялари воқеаларга бой эмас, балки ушбу ҳикоялар инсоннинг, айниқса аёлларнинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатдир.

10. XX асрнинг охириги чорагида ҳикоянавислик ривожини жадал суръатлар билан ўсди. Бу ҳолат ҳикояларнинг нафақат сони, балки мавзу доираси ҳам кенгайгани, энг муҳими, унинг бадиий-поэтик жиҳатдан такомиллашиб борганида намоён бўлди. XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йилларида замонавий адиблар томонидан реалистик метод билан бир қаторда модернистик методнинг кенг қўлланилиши кузатила бошланди. Субъективликнинг кучайиши, психологизм, бегоналашув, ёлғизлик кайфияти замонавий форс адабиётининг яққол намоён бўлиб турувчи жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Мазмунан эса асотирлаштирилган ҳикоялар сони ортиб борди, яъни воқеа-ҳодисаларни мифлаштириш тамойили кучайди.

11. Бу даврга келиб шакл жиҳатидан ҳикоянинг жуда қисқа «Достонак» («داستانک») шакли оммалашди. Бу шаклдаги ҳикоя ўзининг жуда қисқалиги билан ажралиб туради ва ҳаётнинг бир лаҳзасини, муайян макон ва замондаги кичик бир вазият асосигагина қурилади.

12. Хорижда ҳам форс адабиётининг ажралмас қисми ҳисобланган форс тилидаги адабиёт равнақ топди. Бу адабиётнинг айрим намояндалари асарлари миллийликдан холи, маҳаллий колорит тасвири баён этилмаган бўлса, айримларининг ижодида аксинча, ватан соғинчи, миллий колорит ўзининг бор жилолари билан уфуриб турди.

13. Бу давр ҳикоячилигида болалар ва ўсмирларга бағишланган ҳамда улар ҳақидаги адабиёт ниҳоятда ривожланиб кетди. Хусусан бундай ривожланиш сабаби 80-йиллар мобайнида адабиётда ижтимоий ҳаётни танқид қилиш қаттиқ назорат остида эканлиги бўлди ва ёзувчилар нигоҳи янги авлод тарбиясига қаратилди. Миллий-маданий меросни, ахлоқий ва диний қадриятларнинг тикланиши болалар адабиёти намояндалари ижодига ҳам сезиларли таъсир қилди. Ислом инқилобидан кейин асл исломий қадриятларга асосланиш уларнинг асарларида етакчи ўрин эгаллай бошласа, XXI аср арафасига келиб бу қадриятлар умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб кетди.

14. Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислиги мураккаб вазиятда умумбашарий, умуминсоний қадриятларга таяниб, янги поғоналарга чиқиб, жаҳон адабий жараёнларида фаол иштирок этиб, янги сўз айтишга кодир эканлигини исботлаб келмоқда.